Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 2 (2024) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiq... DOI: 10.5281/zenodo.24317323

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Qurbonov Z.N., Misirov K., Moliyaviy va boshqaruv hisobi. Darslik. –T.: Iqtisod-moliya, 2019. –756 b
2. Assessment in Accounting: Concept and Tools Monograph General editorship Doctor of Economic Sciences, Professor O. Fomina December, 2018
3. ACCA Management Accounting (MA/FMA) Study Text: Published by: Kaplan Publishing UK Unit 2 The Business Centre Molly Millars Lane Wokingham Berkshire RG41 2QZ ISBN 978-1-78740-855-5 © Kaplan Financial Limited, 2021

АУДИТНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ШАКЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қосимова Зиёда Ҳакимовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
2-курс магистранти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг молиявий назоратнинг замонавий шакли бўлган - аудиторлик хизматининг ривожлантиришга эътибор кучайди. Сўнгги йилларда мамалакатимизда аутсорсинг хизматларига талаб ортиб бормоқда. Жумладан бухгалтерлик хизматларига, аудитор маслаҳатларига хам талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган 2017– 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоийиқтисодий ислоҳотлар даврида аудиторлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси такомиллаштирилмоқда, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилмоқда, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратади.[31]

Ички назорат хдкида гапирганда шуни х.ам англаш керакки, у факат аник максадларга эришишга йуналтирилгандагина фойдали хисобланади ва назорат натижаларини бахолашдан аввал бу максадни аниклаш зарур. Ички назоратнинг бешта асосий максади бор:

[31] Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

Published: 28.03.2024

Cite this article: Қосимова Зиёда Ҳакимовна (2024). Аудитнинг ташкилий-услубий шаклини такомиллаштириш. Emro Science and Education, 1(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317323

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

- ахборотларнинг ишончлилиги ва тулалиги;
- хисоб сиёсатига, бизнес режаларга, конунчиликка мослиги;
- активларнинг бутлигини таъминлаш;
- ресурслардан тежаб ва самарали фойдаланиш;
- компания булинмалари томонидан куйилган максадлар ва вазифаларга эришиш.

Ички назорат концепцияси узига бир канча таркибий кисмларни камраб олади:

Биринчидан, бу - корхонанинг ички мухити, яъни этика талаблари, бошкарув услуби, карор кабул килиш жараёни, ваколатларнинг узгариши ва масъулиятни хис килиш, ходимларга нисбатан сиёсат, ходимларнинг ваколатлилиги ва энг мухими, корхона бошкарув аппаратининг ички назоратга муносабати;

Иккинчидан, корхонанинг уз максадларига эришиши йулида турган рискларни аниклаш, тахдил килиш ва бошкариш;

Учинчидан, назоратнинг хар куни амалга оширилиши: хисоб ва хисоботлар, ваколатларнинг табакаланиши, активларга булган хукук ва мониторинг;

Туртинчидан, ахборот олишга имконият - мос келувчи ахборот ким унга эхтиёж сезса, унга эга булиши ва бу унга юкланган функциялар/мажбуриятлар доирасида булиши лозим;

Бешинчидан, ички назорат тизимининг самарадорлигини аниклаш учун зарур мониторинг.

Ички назорат тизими - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндиси”[32]

Татьяна Рыбак и Мария Лаврентьеваларнинг фикрича, аудитнинг умумий стратегиясининг айрим йўналишларини амалиётга татбиқ этиш учун аудиторлик ташкилоти аудит режасини ишлаб чиқади ва ҳужжатлаштиради. Режалаштиришнинг асосий босқичида аудиторлик ташкилоти:

– бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг муҳимлик даражасини белгилайди ва аудиторлик рискларини баҳолайди;

[32] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 12 апрелда 1673- сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон бўйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг 12 сонли «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли стандарти. WWW: lex.uz. 3.

– бухгалтерия маълумотларини сегментларга ажратади ва ҳар бир сегмент учун текшириш топшириқларини яратади; – аудит процедураларининг табиати, муддати ва ҳажмини танлайди.[33]

Ички назорат тизими корхонанинг фақатгина молиявий ёки бухгалтерия тизимини қамраб олмай, корхонанинг барча фаолият соҳаларини ўз ичига олади. Мисол учун: харид қилиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш, этказиб бериш. Ички назорат тизими корхона раҳбариятига корхона фаолиятининг хар бир соҳаси бўйича ишончли, ўз вақтида ва зарурий маълумотлар этказиб берилишини таъминлайди. Бунинг натижасида раҳбарият корхона фаолияти устидан доимий равишда назорат олиб бориш асосида корхона фаолиятини тартибга солади ва белгиланган мақсадларга эришилишини таъминлайди. Йиллик бюджет, корхона ички ишлаб чиқариш стандартларининг жорий этилиши, ишлаб чиқариш ва сақалаш жараёни устидан назоратни ташкил этиш хам ички назорат тизимининг бир кўринишидир.[34]

Ғарб мамлакатларида ички аудит XX асрнинг бошларида пайдо булди ва иккинчи жахон урушидан кейин компанияларнинг кайта марказлаштириш хажмининг усиб боришига жавоб сифатида ривожланиш учун туртки олди. 1941 йилда АҚШда ички аудиторлар института ички аудитор касбини ривожлантириш ва оммалаштиришни, касбий фаолият стандартларини ишлаб чикишни уз олдига максад килиб куйган ички аудиторларнинг профессионал ассоциацияси барпо этилди. Хозир институтнинг 72 мингтага якин аъзоси ва 120 та мамлакатда ваколатхонаси мавжуд. Жахон буйича эса ички аудит билан у ёки бу даражада бир миллиондан ортик мутахассис шугулланади.[35]

Мустақил аудиторлар учун ички назорат тизимининг аҳамияти шундан иборатки, у, аудитор томонидан ўтказилиши лозим бўлган текширув ҳажми ва вақтини олдиндан белгилаш имконини беради. Сифатли ички назорат тизимига эга бўлган корхонада аудит текширувини камроқ ҳажмда ўтказиш мумкин. Чунки сифатли ички назорат тизими натижасида аудитор текширган маълумотлар тўғри ва шу сабаб қолган шу тур маълумотларни текшириб ўтиришга ҳожат йўқ. Аксинча, сифатсиз ички назорат тизимига эга корхонада эса текширув кўламини кенгайтириш ва иложи борича кўпроқ маълумотларни текшириб чиқиш зарурати юзага келади. Сабаби, ички назорат тизими сифатсиз ишлаши сабаб корхонада тайёрланган бухгалтерия маълумотларида камчиликлар, хатоликлар мавжуд. Демак, ички назорат тизими сифати ва аудит текшируви кўлами ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

Ички назорат тизими корхонанинг фақатгина молиявий ёки бухгалтерия тизимини қамраб олмай, корхонанинг барча фаолият соҳаларини ўз ичига

[33]Татьяна Рыбак и Мария Лаврентьева. Планирование аудита и порядок его проведения. https://www.minfin.gov.by/upload/audit/sm i/2021_11_gk.pdf 5. Khosiev B. N., Bot

[34] Сатторов Алишер Хасан ўғли. Аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ички назорат тизимини баҳолашнинг аҳамияти. Moliya va Bank ishi Jurnali 4 (2022), 97-104

[35] К.Б.Ахмеджанов. Ички аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент-Иқтисодиёт-2019 й

олади. Мисол учун: харид қилиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш, етказиб бериш. Ички назорат тизими корхона раҳбариятига корхона фаолиятининг ҳар бир соҳаси бўйича ишончли, ўз вақтида ва зарурий маълумотлар етказиб берилишини таъминлайди. Бунинг натижасида раҳбарият корхона фаолияти устидан доимий равишда назорат олиб бориш асосида корхона фаолиятини тартибга солади ва белгиланган мақсадларга эришилишини таъминлайди. Йиллик бюджет, корхона ички ишлаб чиқариш стандартларининг жорий этилиши, ишлаб чиқариш ва сақлаш жараёни устидан назоратни ташкил этиш ҳам ички назорат тизимининг бир кўринишидир. Ички назорат тизимининг аҳамияти айниқса йирик, мураккаб ишлаб чиқариш тизимига эга бўлган корхоналар учун катта аҳамиятга эга.

Бир қатор ривожланган давлатлар, хусусан АҚШда йирик корпорацияларда ички назорат тизимини ташкил этиш Хорижда Коррупцион Фаолиятга Қарши Қонун билан белгиланган ва мажбурийдир. Бу қонуннинг қабул қилинишига сабаб, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг бир қатор йирик корпорациялари хорижий давлатлар бозорларида ўз ўринларини мустаҳкамлаб олиш мақсадида шу давлатлар юқори мансабдор шахсларига катта миқдордаги маблағларни ажратганликлари маълум бўлди. Бу маблағлар шу давлатлар қонунларига кўра қонуний, аммо АҚШ қонунчилигига кўра пора бериш ҳисобланган. Баъзан бу маблағлар шу корпорациялар бош раҳбарларига ҳеч қандай хабар бермасдан ажратилган. АҚШ Конгресси томонидан 1977 йилда қабул қилинган Хорижда Коррупцион Фаолиятга Қарши Қонун бу ишга чек қўйди. Хорижий мамлакатлар бозорларида ўз ўрнини мустаҳкамлаб олиш учун шу давлатлар юқори мансабдор шахсларига маблағ ажратиш қонун билан қатъиян таъқиқланди. Шу билан бирга, бу қонунга кўра АҚШ қимматли қоғозлар ва биржа бўйича комиссиясидан рўйхатдан ўтган ва фонд биржаларида сотиладиган акцияларига эга корпорацияларда ҳар қандай операция фақатгина юқори раҳбарият қарори ва розилиги билан амалга оширилиши лозим. Шунингдек, корпорация активлари доимий равишда бухгалтерия маълумотлари билан таққосланиши, яъни инвентаризация ўтказилиши шарт. Бундан кўзланган мақсад, корпорацияларда яширин резервлар ташкил этилиши ва активлардан самарасиз фойдаланилишининг олдини олишдан иборат. Бу қонунга амал қилмаслик корпорация учун 1 млн. АҚШ доллари 135 миқдоридаги жарима ва масъул шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.[36]

Ички назорат тизимини такомиллаштириш орқали қуйидагиларга эришилади:

1. Ички назорат тизими корхона раҳбариятига корхона фаолиятининг хар бир соҳаси бўйича ишончли, ўз вақтида ва зарурий маълумотлар этказиб берилишини таъминлайди.

[36] Ахмеджанов К.Б.”Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари” ўқув қўлланма Тошкент-2019

2. Зарурий маълумотлар асосида корхоналарни молиявий томондан қўллаб-қувватлаш учун бошқарув қарорларини қабул қилиш енгиллашади.

3. Корхона хисоботларини ишончлилигини тасдиқлаш

Ички назоратдан кўзланаётган мақсад ҳам берилган маълумотлар асосида корхона ва ташкилотлардаги четга оғишларни ўз вақтида бартараф этиш, керакли тавсия ва хулосалар беришдан иборат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 12 апрелда 1673- сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон бўйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг 12 сонли «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли стандарти. WWW: lex.uz. 3.

3. Татьяна Рыбак и Мария Лаврентьева. Планирование аудита и порядок его проведения. https://www.minfin.gov.by/upload/audit/smi/2021_11_gk.pdf 5. Khosiev B. N., Bot

4. Сатторов Алишер Хасан ўғли. Аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ички назорат тизимини баҳолашнинг аҳамияти. Moliya va Bank ishi Jurnali 4 (2022), 97-104

5. К.Б.Ахмеджанов. Ички аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент-Иқтисодиёт-2019 й

6. Ахмеджанов К.Б.”Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари” ўқув қўлланма Тошкент-2019

QURILISH KORXONALARI HISOBOTINI MHXS ASOSIDA TUZISH VA TAQDIM ETISH.

Xolmatova Nodiraxon Quddusovna-
TDIU, Andijon fakulteti “Mutaxassislik fanlari” kafedrasi o’qituvchisi.
Jumaboyeva Mahliyo Mirzohid qizi-
TDIU, Andijon fakulteti BHA-61/23 guruh talabasi

Bugungi kunda respublikamizda har bir sohada rivojlanish ishlari hamda islohotlar olib borilmoqda, bu o’rinda qurilish sohasida ham keng ko’lamli ishlar amalga oshirilmoqda.